



ТОШКЕНТ



ОҚШОМ

ШАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 77 (9.421) 2000 йил 30 июнь, жума

Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Оқсарой қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовга Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Чанг Хун, Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Леопольдо Жакомо Мария Ферри де Ладзаро, шунингдек, Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Николай Демчук ҳамда Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Нгуен Кюк Бао ишонч ёрликларини топширишти.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов «Телекоммуникациялар соҳасида бошқарушни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармонга имзо чекди.

● Олий Мажлис Мудофиа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда Ешлар ишлари комиссиясининг қўша йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Мудофиа вазирлиги қарашли Жаззах олий ҳарбий авиация билан юрти ҳамда Тошкент аҳолида электротехника институтини махсус факультетига офицер кадрлар тайёрлашнинг аҳоли тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

● Андижон вилояти галлакорлари қабул хирмонларига 244 минг 400 тонна дон топшириб давлат биуртомасини 10 минг тоннага ошириб бажардилар.

● Бухоролик галлакорлар давлат омборларига 125 минг 500 тоннадан зиёд дон топшириб, шартнома режасини адо этишди.

● Марказий банкнинг навбатдаги иқтисодий ўқув рўқнадаги семинар йиғилиши Президентимизнинг «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавобларига бағишланди.

● Қарши шаҳрида Халқаро «Ипак йўли — театр савҳати» лойиҳаси доирасидаги II муаллифлик театрлари учрашувлари якунланди.

● Бадиий академия Кўргазмалар залида ёш rassomларнинг «Навқирон Ўзбекистон» деб номланган кўргазмаси очилди.

● Киночилар уйда «Мустақиллик майдони» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● **Бугун** Бокуда Озарбайжон газини Грузия худуди орқали олиб ўтиш бўйича қурилиш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан навбатдаги маслаҳатлашув-кенгаши бўлиб ўтди.

● **Бугун** Бишкекда Кирғизистон халқларининг ўчинчи съезди очилди. Форум ишида Кирғизистон президенти А. Акаев қатнашди.

● Америкада гаройиб соат-идиш сотувга чикди. Чунки дори ичиш қунари ва вақтини кўрсатиб турадиган бундай қурилма ҳамма учун қулай. Унинг ичида жойлаштирилган принтерлар билан жиҳазланган компьютерлар соат йўналишини кузатиб боради.

● **Бугун** Жазир Президентини А. Бутефлиқнинг Суданга расмий ташрифи бошланди.

● **Кеча** Судан инқилобининг ўн бир йиллиги муносабати билан Президент Омар Аль Баширнинг мамлакат халқига мурожаати эълон қилинди.

● Муссон ёмғирлари деб аталадиган тинимсиз қўнлар энг хавфли табиий офатлар сирасига қиради. Тинимсиз давом этган жалавлар Бангладешда кучли суё тошқинларини келтириб чикрди. Оқибатда мамлакатдаги 50 дан ортик қишлоқ ташқи дунёдан узилиб қолди. 20 мингдан зиёд киши эса бошпанасидан айрилди.

● Венгрия пойтахти Будапештда жаҳоннинг энг кучли иккита профессионал боксчилари — ўзбекистонлик Артур Григорян ва венгер Золтан Калоксай ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Золтан Калоксай 11 раунд давомида Артур Григорян зарбаларини қайтариб турди. Фақат 12-раунддагина юртдошимиз аниқ ва кучли зарба билан рақибини нақаут ҳолатига туширди. Шу тарба Артур ўз жаҳон чемпиони унвонини ўн иккинчи марта муваффақиятли ҳимоя қилди.

ТОШКЕНТНИНГ УЛКАН КЎПРИГИ

Юртимиз қундан-қун чирой очиб, тобора кўркамлашиб бормоқда. Жойларда қад ростлаётган бир-бирдан муҳташам иморатларни кўриб қўзинг қувонади.

Юрт ободлиги, аввало, тинч-тотув ҳаёт, самарали ва жўшқун меҳнат туфайлидир. Айтиш мумкинки, элимиздаги фаровон турмуш, тинч ва осуда ҳаёт халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини жўш урдирмоқда. Айниқса, пойтахтимиз — Тошкентда миллий ва замонавий меъморлик аъналаридан асосида қурилаётган турар жойлар, меҳмонхоналар, спорт саройлари, кенг ва раво кўчалар шаҳримиз кўрқига-кўрк қўшмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бу борада кенг қўламда иш олиб бормоқда. Жумладан, шаҳарнинг эски қисми қиёфасини тубдан ўзгартириш, янги-янги иншоотлар, уй-жойлар ва илм-фан масканлари қуриш, алоқа тизимини такомиллаштириш, ер усти ва ости йўлларини кенгайтириш ишлари жарад бормоқда. Бунда, аввало, аҳоли учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Айни қунларда Аҳмад Доннш ва Хусниддин Асомов кўчалари кесилган жойда улкан кўприк қад ростламоқда. Бу ноёб иншоот Халқлар Дўстлиги кўчаси билан Хадра майдони, Фаргона йўли билан Тошкент айланма йўли, Аҳмад Доннш кўчаси билан Амир Темур кўчаларини туташтирувчи улкан кўприклар сирасига қиради. Эътиборли томон шундаки, мазкур қурилиш лойиҳага қўра 3-4 йилда қуриб битказилиши кўзда тутилган эди. Аммо кўприксозлиқда қатта тажриба ортиришга эришаётган қурувчилар бу ишни бор-йўғи ўн икки ойда ниҳоясига етказиб, мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллиги байрамига тўёна қилишга бел боғланган.

— Ҳозирда қурилиш ишларининг қариб олтинчи фоизи бажарилди, — дейди «Тошметроқурилиш» трести бошқарув-

чиси Шоқир Солиҳжаев. — Қурувчиларимиз кунни-тунга улаб, уч сменада иш олиб борапти. Эътибор берган бўлсангиз, қурилиш ҳажми ва қўлами ниҳоятда кенг. Тез қунларда кўчаларни бир-бирига туташтирадиган асосий устуналарни ётқизишга киришилади. Умумий узунлиги бир минг икки юз метр, эни эса ўн беш метрли бу кўприк ҳозирча пойтахтимизда шу турдаги ягона иншоот бўлади. Жами қариб 5 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилмади.

Ўрни келганда айтиш жоизки, бу ерда автотранспорт эркин ҳаракатлангани учун барча қулайлик яратилди. Тошкент Бош режа асосида лойиҳалаштириш илмий-техшириш институтини мутахассислари яратган лойиҳага қўра, ушбу кўприк остки қисмининг иккита марказий автойўл, қатта-кичик кўчалар ҳамда трамвай-троллейбус шоҳобчалари кесиб ўтади.

Ҳозир мажмуани бунёд этишда 20 дан зиёд ёрдамчи пудратчи ташкилот қурувчилари орқали хандақ қазилиб, йирик устуналар пойдевори қўйилаётган бўлса, бошқа томонда махсус тайёрланган бетон тўсинлар пайвандаланмоқда. Яна бир томонда эса металл конструкциялар ёрдамида шу ернинг ўзида яхлит-яхлит кўприк қисми қўйилмоқда.

— Бу — кўприксозлиқда ўзинга хос янгилик, — дейди Давлат қурилиш назорати бош мутахассиси Баҳром Аҳмедов. — Илгарилари бу борадаги барча ишларнинг бориши темир-бетон заводлари тайёрлаб берадиган махсус тўсинларга боғлиқ эди. Эндиликда эса «Тошметроқурилиш» трести қурувчилари металл конструкциялар ёрдамида исталган баландаликда махсус қониллар ясаб, шу ернинг ўзида бетон қоринмаларидан мустақам кўприк қисми қўйилмоқда. Бунинг афзаллиги шундаки, ортиқча сарф-ҳаражатларга чек қўйилди, иш сифати ва самардорлиги ортади.

(УЗА).



Шаҳримиз тобора кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда кўлбал турар-жой бинолари, маданий мажмуалар, кенг ва раво йўллар, замонавий кўприклар қурилишга фойдаланишга топширилмоқда. Сураткаш муҳбир Сергей Любичининг диққатиниғизга ҳавола этиладиган суратда пойтахтимиз қурилишларида фаол қатнашаётган бир гуруҳ бунёдкорларни кўриб туриб-сиз.

Республикамизда коммунал хизмат кўрсатиш тизимининг ислохоти янги босқичга ўтди. У қандай тавсифланади, амалга оширилган ишларнинг натижалари қандай, нималарни келгусида татбиқ этишга тўғри келади — маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизими ходимлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувида шу ҳақда сўз борди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг юртимиз бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан амалга оширилган ислохотлар биринчи навбатда уй-жой коммунал тармоғига тааллуқли бўлди. Хусусийлаштириш давомида аҳолининг 98 фоизи ўз уй-жойларининг эгалари бўлишди ва у бугунги кунда уларнинг қатта сармоясини ташкил этди. Бозор муносабатларининг ривожланиши уй-жой фондларидан фойдаланиш тизимининг ўзи ҳамда коммунал хизмат билан таъминловчилар ва уларнинг истеъмолчилари ўртасида ўзаро муносабатларни қайта қуришни талаб этди. Шу муносабат билан бундан икки йил муқаддам республика ҳукумати томонидан аҳолига коммунал хизматларини кўрсатиш тизимининг иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш Дастури тасдиқланди. Унга мувофиқ келгусидаги ишлар икки босқичга бўлинди.

Республика коммунал хизмат кўрсатиш вазирини Ф.Мухамедов ўз сўзида биринчи босқичнинг натижасини қўнунчилик неғизининг

КОММУНАЛ ХИЗМАТ: ЯНГИЛАНИШЛАРНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

яратилгани бўлганини таъкидлади. Уй-жой кодекси ва «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»-ги Қонун ишлаб чикилди ва қабул қилинди, шунингдек, саккизта меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ўн иккита меъёрий актлар, жумладан «Уй-жойларни уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқармасига ўтказиш тартиби ва унинг давлат ҳокимияти органлари билан ўз-ўзи фондидан фойдаланиш ва таъмирлаш масалалари бўйича ўзаро муносабатлари тўғрисидаги қондалар», «Уй-жой фондидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш учун таъмирлаш фойдаланиш корхоналарини ташкил этиш тартиби тўғрисида қондалар», «Ўзбекистон республикасида уй-жой фондларидан техник жиҳатдан фойдаланишнинг меъёр ва қондалари ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланди. Меъёрий ҳужжатлар коммунал хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча томонларини қамраб олган ва улар масалани, квартира соҳибига қўрсатилмаган хизматлар учун қайта ҳисоб-китобни талаб этиш ҳуқуқини беради. Бу ерда квартираларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш

лардан фойдаланиш ташкилотларига юклатилган бошқаруш ва хизмат кўрсатиш вазифаларининг бўлиниши бўлиб қолиши керак. Шу муносабат билан «Уй-жойларга коммунал хизмат кўрсатиш бўйича ягона биуртомачи хизмат» тўғрисида вақтинчалик «Низом» ишлаб чикилди ва амал қилинмоқда. Тажриба тарикасида шундай хизматлар республикамизнинг 12 та шаҳрида ташкил этилди. Уларнинг вазифаси мулкчиларнинг турли хил шаклларидаги пудрат ташкилотлари билан шартномалар тузиш ва бажаришга ишлар ва хизматлар учун ҳақ тўлашдан иборат. Уй-жой мулкдорларига уларни бошқариш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш вазифаларини топшириш мақсадида уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотларига мубоқил бўлган ширкатлар тузилмоқда. Ширкатлар улushi мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва идора этиш бўйича мулкдорларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишлариға қўмақлашни шунингдек, умумий фойдаланиш жойларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни таъминлашга сарфбар этилган. Ширкатнинг ҳар бир аъзоси ўзи эгаллик қилаётган уй-жой ва маъмурий бинолар умумий

майdonи ҳажмига мутаносиб равишда харажатларда қатнашади.

Ҳозирги кунда республикамизда уй-жой мулкдорларининг 358 та ширкатлари рўйхатдан ўтказилган бўлиб, уларга бошқариш ва фойдаланиш учун умумий майдони 8,7 миллион квадрат метр бўлган 4,316 та уйлар топширилган.

Барча 275 та уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари тўла кўжалик ҳисобида фаолият кўрсатмоқда, уй-жой фондига хизмат кўрсатиш бўйича 181 та оилавий ва жамоа пудрати бригадалари ишлатмоқда, уй-жойларни таъмирлаш бўйича 20 та мубоқил ташкилотлар тузилган.

Коммунал хизматни ислох қилиш иккинчи босқичи давомида ишлаб чикариш қорондаларини давлат тасарруфидан чикариш, шаҳар уй-жой коммунал инфратузилмасини ривожлантириш учун инвестициялар жалб этиш юмушлари давом эттирилди. Уй-жой фондига сув, газ, иссиқликни ҳисоблаш анжумларини ҳар бир квартираларга ўрнатиш бўйича ишлар якунланди, энергиянинг мубоқил манбаларидан янада фаолроқ фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Учрашууда газлаштиришни ривожлантириш, республика аҳолисининг сув таъминотини таъминлаш бўйича зарур қувватларни ташкил этиш чора-тадбирлари, иссиқликни узатишда йўқотишларни қисқартириш ҳамда аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича кенг қўламдаги ишларнинг бошқа йўналишлари тўғрисида ҳам сўз борди.

Уз муҳбиримиз.

Футбол «ДЎСТИК» — БИЛЛУР СОВРИН СОҲИБИ

«Пахтакор» марказий стадионига йилгилан кўп минг сонли иштироклар ажиб футбол спектаклининг гувоҳи бўлишди. Унда Тошкент вилоятининг «Дўстлик» ва Самарқанднинг «Самарқанд-Динамо» жамоалари ўзбекистон Кубогини кўлга киритиш учун ўзаро куч синашди.

Авалдан маълумки Кубок баҳслари доимо мурасос бўлиб келган. Шу боис бу сиз керак, «Дўстлик» ҳамда «Самарқанд-Динамо» жамоалари ўртасидаги ўйин кескин кураш остида ўтди. «Дўстлик» футболчилари бу йилги мавсумда ҳаққонан ҳам чиройли комбинацион услубда ўйнаб турни жадалда бажоғна карвонбон бўлмаётганларини исботлашди. Сабаби улар самарқандликларни (4:1) йирик ҳисобда мағлубиятга учрата олдилар ва ўз тарихларида ilk бор биллур соврин соҳиб бўлдилар.

«Дўстлик»га галаба келтирган тўларини самарқандликлар дарвозасига Жафар Ирисметов 2 марта, Фарид Хабибуллин ва Абдуқўноқ Мазруфалиев киритган бўлса, самарқандликларнинг моҳир ҳужумчиси Ойбек Усмонов ҳам рақиблари дарвозасини аниқ нишонга олиб ҳисоб орасидаги фарқни бироз қисқартирди холос.

Энди бу йил «Дўстлик» Осёе мамлакатлари чемпионлари Кубогига мамлакатимиз шафратини ҳимоя қилди. «Самарқанд-Динамо» эса Осёе мамлакатлари Кубок соҳиблари ўртасидаги мусобақаларда қатнашади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ,
Раъно ЖУРАЕВА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ БИРЖАДАН ТАШҚАРИ ВАЛЮТА БОЗОРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ички биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни таъминлаш, хоржий валюта тушуми манбалари ва микдорини кенгайтириш ҳамда валюта ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг 2000 йил 1 июлдан бошлаб биржадан ташқари валюта бозорини хоржий валютани сотиш механизмининг жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, ушбу механизм:
 - ваколатли банкларнинг ўз мижозларидан бўш валюта маблағларини шартнома асосида хоржий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда эркин курс бўйича харид қилишини;
 - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг лицензияларига эга бўлган корхоналарга импорт истеъмол товарларини сотишдан олинган сўмдаги тушумини хоржий валютага бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланаётган эркин курс бўйича конвертация қилишни назарда тутди.
2. Куйидагилар тасдиқлансин:
 - Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хоржий валютадаги тушумини мажбурий сотиш тартиби;
 - Биржадан ташқари валюта бозорини операцияларни амалга ошириш тўғрисида вақтинчалик низом.
3. Белгилансинки, ички валюта бозорини:
 - рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб камида 6 ой мобайнида ўз фаолиятини амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар хоржий валютани сотиб олиш ҳуқуқига эга бўладилар;
 - хоржий валюта фақат ўз маблағлари ҳисобига миллий валютада сотиб олиниши мумкин;
 - ваколатли банклар ўз мижозларига хоржий валютадаги ўз маблағларини ва сотиб олинган маблағларни ҳисобга олиш учун алоҳида валюта ҳисоб рақамлари очадилар;
 - ваколатли банклар томонидан мижозларини биуртоманомалари бўйича сотиб олинган, 7 иш кунини мобайнида фойдаланилмаган хоржий валюта сўзсиз қайтариб сотилиши керак. Марказий банк мулкчилик шаклиларидан, хоржий валютани сотиб олиш мақсадлари ва манбаларидан қатъи назар, мазкур талабнинг ваколатли банклар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.
4. Белгилансинки, ташқи савдо операцияларини амалга оширишда қуйидаги талаблар бажарилиши мажбурийдир:
 - импорт контрактлар бўйича аванс тўловлари контракт қийматининг 15 фоизидан ортик бўлмаган, бирок 100000 АҚШ долларига тенг бўлган маблағдан кўп бўлмаган доирада Ўзбекистон Республикаси ваколатли банкнинг импорт қилувчи корхонасига хизмат кўрсатувчи вакил банкнинг мубоқил банк қаролати мажбур бўлган тақдирда ўтказилади. Кўрсатиб ўтилган маблағдан ортик бўлган аванс тўловларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг ҳулосасига қўра фақат Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан амалга оширилади;
 - товарлар Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кирилгунча (хизматлар кўрсатиш) товарлар (хизматлар) импорти шартномалари бўйича аванс тўловлари хоржий валюта харид қилиш учун ўтказилган маблағнинг миллий валютадаги 100 фоизи қўшимча равишда захирага қўйилган тақдирда амалга оширилади, марказлаштирилган манбалар ҳисобига сўмда маблағ билан таъминланадиган импорт контрактлар бундан мустасно. Захирага қўйилган маблағ товарлар олиб кирилиши (хизматлар қўрсатилиши)ни тасдиқловчи ҳужжатнинг тасдиқланган асл нусхаси банкка тақдим этилгандан кейин қайтарилади;
 - рўйхат бўйича офшор зоналарга аванс тўловларини ўтказишга, шунингдек ишлар (хизматлар) ҳақини тўлашга йўл қўйилмайди;
 - мазкур контрактлар бўйича контрагентлар ҳисобланмаган норезидентлар фойдасига импорт контрактлар бўйича ҳақ тўлашга йўл қўйилмайди;
 - марказлаштирилмаган экспорт операциялар бўйича тушум тушиши ёки қайта олиб кириш мuddати 60 кундан ошиб кетмаслиги керак, муассислар томонидан чет элдиги корхоналарга (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шўъба корхоналар, фирма дўконлар, дилерлик шоҳобчалари ва консигнация омборлари) олиб чиқилган товарлар бўйича эса — 180 кундан ошиб кетмаслиги керак;
 - валюта тушуми чет элдан тушиш белгиланган мuddатлар тамом бўлгандан кейин 30 банк кунидан ортик кечиктирилишига йўл қўйган юридик шахслар — резидент республика бюджетини даромадига тушмаган валюта маблағларининг 100 фоизига тенг микдорда жарима тўлайдилар;
 - резидентлар томонидан тўланадиган фоизлар ва олинган ташқи қарзлар бўйича бошқа қўшимча тўловлар микдори бир йилга қара асосий суммасининг 20 фоизидан ошиб кетмаслиги керак;
 - мазкур қарор чикшигача ваколатли банклар томонидан ҳисобга олинган контрактларни бажариш илгари белгиланган тартибда 2001 йил 1 январгача амалга оширилади.
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги билан биргаликда ички валюта бозори фаолият кўрсатиши устидан назорат ўрнатиш тизимини ишлаб чиксин ва уни 2000 йил 10 июлдан бошлаб жорий этсин. Ушбу тизим:
 - валюта маблағларини ваколатли банклар томонидан хоржий валютани сотиб олишчи хўжалик юритувчи субъектларда тегишли сўмдаги маблағлар мавжудлиги тасдиқлангандан кейин сотиши;
 - барча манбалар ҳисобига республикага хоржий валюта тушуми, мажбурий сотишнинг белгиланган прогноз микдорлари бажарилиши, биржадан ташқари валюта бозорига энг кўп валюта маблағлари жалб этилиши устидан ҳар ойлик мониторингини;
 - валютани харид қилиш, сотиш ва ундан фойдаланиш тартиби бузилганлиги учун ваколатли банкларни ва хўжалик юритувчи субъектларини ички валюта бозорини хоржий валютани харид қилиш ҳуқуқидан 6 ойгача бўлган мuddатда вақтинчалик маҳрум қилишгача бўлган жазолар қўллашни назарда тутди;
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига биржа ва ярмарка савдолари орқали миллий валютага амалга ошириладиган экспорт-импорт операциялари механизмининг ва уларни ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришга доир таклифларни киритсинлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда бир ой мuddатда:
 - амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси таклифлар киритсин;
 - идоравий норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.
8. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ўзгаришлар киритилсин.
9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ф.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2000 йил, 29 июнь.

2000 — Соғлом авлод йили

ҚАЙНОНА ҲАМ ОНА

Хонадонга «ёр-ёр» билан тушган келин қайнона бағрини ҳам тўдириб, унинг йиллаб кутган фарзандини ушлаттиради. «Келин салом-дан энтикиб, фарзандларига муносиб умрдош топганларидан суюниб, келинимни кўни-қўшиларга ибрат қилиб, яъни яхши-сини ошириб, ёмонини яшириб, кўн-қўш набираларни кучида ахил-тотувлиқни, оила мустаҳкамлиги, хонадон файзини таъминлаб келаётган қайноналаримиз шаҳримизда кўплаб топилди.

Ана шу боис ҳам Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси Соғлом авлод йилида «Энг ибратли қайнона» кўрик-танловини эълон қилган эди. Унга кўра айни кунларда пойтахтимиз туманларида ушбу танлов муваффақият билан давом этмоқда. Кўн кеча шаҳримизнинг сўлим ва файзли гуша-ларидан бири Алишер Навоий номидаги Тошкент миллий боғида Чилонзор тумани маҳаллаларининг ибратли қайноналари кўрик-танлов шартларига кўра беллашди.

Карнай-сурнай садолари остида бошланган ушбу тадбирнинг республика Бош вазирининг ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилбар Ғулова кириш сўзи билан очиб, ҳар бир оилада ибратли қайнона, соғлом фарзандлар ва саводатли кўнлар бўлишига тилак билдирди.

Беш қайнона — беш хонадоннинг қароғонини булган оналар кўрик-танлов шартлари бажаришига киришди. Туманининг «Меъазор» маҳалласидан Собира ая Тулаганова, Лутғий номида маҳалладан Хурихон ая Алижубаева, «Хирмонтепа» маҳалласидан Улмасхон ая Аллоқуллова, Ш. Ғуломов номи маҳалладан Маъсуда ая

мидаги маҳалла онахони Хурихон ая Алижубаева голиб деб топилди, туманда «Энг ибратли қайнона» номини олишга сазовор бўлди. Улмасхон Аллоқуллова иккинчи ва қолган 3 нафар қайнона учинчи ўрин соҳиблари бўлишди. Уларга туман ҳокимлиги Фахрий ёрликлар, қимматбаҳо совғалар ва гулдасталар топширилди.

Хали диллардаги ҳаяжон босилмасдан тадбир ташкилотчилари, иштирокчи ва томошабинларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

● **Муаттар СОДИКОВА, Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси:** — Танловнинг аҳамияти шундаки, бу қайноналарнинг ибратли туманимиздаги барча хонадонларга кириб боради, қайнона-келин муносабатларини мустаҳкамлашда, соғлом фарзандлар дунёга келишида муҳим ҳисса бўлади.

● **Хурихон АЛИЖУБАЕВА, «Энг ибратли қайнона»:** — Шу номга сазовор бўлганимдан бениҳоя хурсандман. Худого шукр, 2 ўғил, 2 қиз, кўв ва келинларим, 13 набиранимнинг ардоғиданман. Мен учун энг муҳими, оиламиздаги меҳр-оқибат, фарзандларимнинг камоли.

● **Ойниса МУХТОВОРА, бўлғуси қайнона:** — Яна бир ҳафтадан сўнг менинг хонадонимга ҳам келин тушади. Шу ерда ўтириб, саҳнадаги ажойиб қайноналардан ибрат олиб, уларга жудама уҳажим келди. Унга хонадондан тушган қизни ўз хонадонимга ҳақиқий азёо қилиб олишда қайнонадан маҳорат ва катта масъулият талаб этишини яна бир бор юракдан ҳис этдим.

Ха, кўрик-танлов аяқланди. Уйлаймики, унинг ибратли қайнона-оналаримизга, келинларимизга ҳаётлари давомида азёога хос мактаб бўлади.

Дилноза ҒИЁСОВА.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда чиқарилган «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунини амалда тадбиқ этиш, коммунал хўжалик соҳасидаги мулоқотларнинг барисига муҳим ҳисса қўиш ҳақида коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида бажарилишига эришишни таъминлаш мақсадига пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида ҳам шу кунга қадар 28 та уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тузилиб фаолият кўрсатмоқда. Ана шулардан бири «Ғалаба — коммуналчи» ширкатидир. Бизнинг «Ғалаба» маҳалласи кўмитаси ҳамда маҳалла қошида фаолият кўрсатаётган ширкат раиси Баҳодир АЛИХУЖАЕВ билан суҳбатимиз амалга оширилаётган ишлар ҳусусида бўлди.

— **Сиз раҳбарлик қилаётган ширкат қачондан бошлаб фаолият кўрсатмоқда?**

— 1999 йилнинг август ойида маҳалламиз ҳудудида жойлашган 29 та кўп қаватли уйда яшовчилар «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» ги Қонун билан танишиб, узаро келишиб маҳалла кўмитаси қошида «Ғалаба — коммуналчи» ширкатини ташкил этдик. Ҳозирда ширкатимизда 1330 хонадон мажмуи, Илгари ушбу худуддаги битта коммунал хизмат кўрсатиш ижара қорхонасига қарашли 84 та уй бугунга келиб 3 та ширкатга бирлашди.

— **Яқин бир йиллик фаолиятингиз давомида уй-жой ширкатларининг озодалати томонлари нималарда намойён бўлди?**

— Энг муҳими, уй-жой эгаларининг фикр-мулоҳазалари инобатга олинди, малакали, ишлайдиган ва керакли

Кўрғазмалар

Ўзбекистон Бадий Академиясининг кўрғазмалар залига истеъдодли рассом Отахон Аллабергенов асарларида «Мунажарат» номи билан эълон қилинган «Энг ибратли қайнона» кўрик-танловини эълон қилган эди. Унга кўра айни кунларда пойтахтимиз туманларида ушбу танлов муваффақият билан давом этмоқда. Кўн кеча шаҳримизнинг сўлим ва файзли гуша-ларидан бири Алишер Навоий номидаги Тошкент миллий боғида Чилонзор тумани маҳаллаларининг ибратли қайноналари кўрик-танлов шартларига кўра беллашди.

МИЛЛИЙЛИК — БОШ МАВЗУ

У асли хоразмлик. Тошкент рассомлик институтини тугатган. 1978 йилдан буюн Огаҳий номдаги мусикали ва драма театрида бош рассом. Унлаб сахна безаклари орасида драматурглар Комил Яшиннинг «Нурхон», Хамзанин «Майсаранинги иши», Эркин Самандаровнинг «Жалолиддин Мангуберди» асарларига ишлаган сахна безаклари хар томонлама ҳаётини ва миллий чиққан. Ватанга сардоқат, фидойилик «Жалолиддин Мангуберди» сахна безакларида яққол кўзга ташланиб турибди. Рассом Отахон Аллабергенов кўнча Хоразм меъморлиги, тож-тажик тасвирият, занжир-кишанлар орқали мўғуллар босқинчилиги, бу кўнча ўлкани занжирбанд этгани, уни парчалаб ташлашга даъват этади. Катта куч — халқ ва саркарда Жалолиддин Мангубердига ишонди. Нур ва соялар орқали қора кўнлар Чингизхон тобора орқага чекинаётгани, заифлаётганини рўй-рост ифода этади. Саҳна безаклари томошанинг гоявий мазмунини очиб беришда хизмат этади.

Театр рассоми маҳоратини Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», инглиз драматурги В. Шекспирнинг «Макбет» асарларини бешада ҳам синаб кўрган. Тарихий-фожиавий, миллий, замонавий сахна асарларида у иктидорли рассом эканлигини яққол намойён этган.

Отахон Аллабергенов мусаавир бўлган, тасвирий санъатнинг рангасавир ва қалам-тасвирида ҳам ижод қилади. Бу томонлари ҳам миллийликка йўналтиришга, миллий руҳни жўшиб-жўшиб кўйлашга муваффақ бўлади. Халқ усталари, хунармандлар қиёфалари, кўнча Хоразм ёдрорликлари қаламтасвирида акс этади. Катта-кичик тасвирият оддий қаламда тасвирилган бўлсада, тарих, унутилаётган маданиятимиз ва урф-одатлар ўз ифодасини топган. Отахон Аллабергенов тасвирида дярли Хоразм тарихи жонланган дейиш мумкин. У ўз халқининг энг кичигидан, кексасигача ўзларига хос қиёфаларини тасвириятга эришган. Этнографик-эшлунос олим сифатида масалан, «Чилимили мўйсифиди» асарига да у қадимдан чекиш одат бўлиб қолган чилимини эмас, чилимини халқ хунармандлиги сифатида кўрсатиб, мўйсифидинг босиб ўтган ҳаёти, уй-хаёлларини тасвириятда «Урганчлик мўйсифиди» қаламтасвирида шу мавзунга яна давом эттириб, ҳозирги замондаги яхши кайфиятлари, орзу-хаёлларини акс эттиришга эришган. «Дехкон портрети», «Кулол», «Усталар», «Бахши», «Автопортрет» асарлари ҳам қаламтасвирида жонланиб, худди рангасавирдагидек томошабин эътиборини тортади. Булар шунчаки тасвирият бўлиб қолмай, инсоннинг ички ҳис-туйғуларини, орзу-ўйларини айтилган.

— **Аниқ амалий ишлар ҳақида бирор нарса дея оласизми?**

Шуни мамнуният билан айтаманки, бир йил давомида бирорта яшовчининг арзи безътибор қолмади. Йиллаб чакка ўтадиган уларнинг томлари қисман бўлсада таъмирдан чиқарилди, 10 та унинг ертўласи доимий равишда сув босиб ётарди. Ҳаммаси тозаланиб, керакли чора-тадбирлар қўрилди. Ҳозирда бирорта уйимизнинг ертўласида сув йўқ, натижада чивин ҳам йўқ. Айниқса, Бахтиёр Исаев бошқарувчилик қилаётган 1-уй энг намунали турар-жой бинолари қаторига қиради. Мен ўзим маҳалла оқсоқоли бўлганлигим боис ҳам хар бир хонадон аъзоларининг шароити билан яхши танишман. Бу албатта ширкатга раҳбарлик қилишда ҳам менга қўл келмоқда.

— **Ширкатнинг мустаҳкамланишида энг муҳим омил нима?**

— Унга азёо бўлган, ишонган уй-жой эгалари ишончини оқлаш, шартнома мажбуриятларини бекаму кўст, ўз вақтида бажариш. Албатта, истеъмолчи талаби қондирилса, ҳақни талаб қилиш ҳам шунга яраша бўлади.

Сўхбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.



Еш созандалар. Равилъ Альбеков олган сурат.



Назорат

ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ МАВЗУДА ЭНГ МУҲИМИ — ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

мутахассисларни жалб этдик. Ҳозирда ширкатимизда 4 та чилангар, 4 та пайвандчи, 2 та том ёпадиган мутахассис ва 8 та фаррош хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси хонадон эгаларининг фикр-мулоҳазаларини албатта инобатга олишди, камчиликларни ўз вақтида, бююртмачини ортқича куттирмай, асабига тегмай бажариб беришди. Ширкат аъзолари шунга амин бўлишмоқдаки, коммунал хизматлар тўловидан тушган пул эндиликда ўша уйлари таъмирлаш, камчиликларни тўлатиш учун, яъни хар бир уйнинг азёога, ўша жойда яшовчи хонадон эгаларига сарфланмоқда.

— **Коммунал хизматлар тўлови ўз вақтида бажарилишини, бунинг учун қандай чора-тадбирлар қўрилмоқда?**

— Хар бир уйда уй бошқарувчи ва хотин-қизлар кенгаши раислари бўлиб, улар ширкатнинг вакили ҳам ҳисобланишади. Ширкат тузилгандан буюн ўтган ойларда ўз вақтида коммунал хизматлар тўлов йиғилишига қарамай, ижара қорхонаси давридаги эски қарзлардан ҳамон қўтилла олмаймиз. Ана шу нарса ишимиз ривожидида энг катта муаммо бўлиб турибди. Лекин шунини ҳам айтиб қўйишни истардимки, тўловларни вақтида бажармаётганларнинг аксарияти бунга қўрби етадиган, лекин лоқайд одамлар. Менинг фикримча, ана шундай лоқайд, боқиманда одамларнинг бепарволиги боис ҳам коммунал хизмат тўловлари ўз вақтида тўланмай қарзлар ортиб бормоқда. Лекин биз ишни қатъий режа асосида ташкил этганимиз. Бундан хизмат кўрсатувчи ҳам, истеъмолчи ҳам зарар кўрмайди. Хафталаб, ойлаб, йиллаб навбат куттишлар, асабузарликлар бўлмагани боис ҳам уй эгаларининг ўзлари ширкатнинг истиқболига ишонч билан қарашмоқда. Ҳозирги айтганда, хар бир хонадон соҳиби ўз уйлари учун энди жавобгар эканлигини ҳис этмоқда, нафақат ўзининг, балки кўн-қўшнисининг, йўлак ва ертўлаларининг, ҳовлининг орасталиги учун ҳам қайғуришмоқда.

— **Аниқ амалий ишлар ҳақида бирор нарса дея оласизми?**

Шуни мамнуният билан айтаманки, бир йил давомида бирорта яшовчининг арзи безътибор қолмади. Йиллаб чакка ўтадиган уларнинг томлари қисман бўлсада таъмирдан чиқарилди, 10 та унинг ертўласи доимий равишда сув босиб ётарди. Ҳаммаси тозаланиб, керакли чора-тадбирлар қўрилди. Ҳозирда бирорта уйимизнинг ертўласида сув йўқ, натижада чивин ҳам йўқ. Айниқса, Бахтиёр Исаев бошқарувчилик қилаётган 1-уй энг намунали турар-жой бинолари қаторига қиради. Мен ўзим маҳалла оқсоқоли бўлганлигим боис ҳам хар бир хонадон аъзоларининг шароити билан яхши танишман. Бу албатта ширкатга раҳбарлик қилишда ҳам менга қўл келмоқда.

— **Ширкатнинг мустаҳкамланишида энг муҳим омил нима?**

— Унга азёо бўлган, ишонган уй-жой эгалари ишончини оқлаш, шартнома мажбуриятларини бекаму кўст, ўз вақтида бажариш. Албатта, истеъмолчи талаби қондирилса, ҳақни талаб қилиш ҳам шунга яраша бўлади.

Сўхбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ИСЛОҲОТЛАР ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли қарори барча вазириятлар, қорхона, ташкилот, давлат бошқаруви қоралари раҳбарларининг қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши учун шахсий жавобгарликларини белгилаб бериш билан бирга улардан катта ташкилотчилик ҳамда масъулият талаб этади.

Амалда бу талаблар қандай бажариляпти? Бу борада Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти Назорат инспекцияси томонидан кейинги пайтларда муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, инспекция томонидан охириги 6 ой давомида Ўзбекистон Республикаси Президентини ва ҳукуматининг 5 та фармони ҳамда қарорларининг бажарилиши урганиб чиқилди. Текширув жараёнида қатор меъёрий ҳужжатларнинг талаблари бузилаётганини, масъул ходимлар томонидан масъу-

лиятсизлик, лоқайдлик, сансалорлик амаллари йўл қўйлаётганини аниқланди. Жумладан, раҳбар сифатида ижро интизомини суъайтириб юборганлиги, кадрлар тайёрлаш масаласига етарли даражада эътибор бермаганлиги, ишда қатъий сизиллик йўл қўйганлиги, кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга тўқинлик қилганлиги ҳам хар хил керакли маълумотларни талаб этганини ҳамда баъзи қорхоналарнинг рўйхатдан ўтказиш мuddатини ке-чиртигани учун халқ таълимни бўлими мудири ва қорхоналарни рўйхатга олиш бўлими бошлиғи ағаллаб турган лавозимларидан овоз қилин-диган, 12 нафар масъул ходимларга инсбатан эса маммурий жазо чоралари қўрилди.

Килинган таҳлиллар, ўрганишлар шунини кўрсатмоқдаки, меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишига баъзи раҳбарлар томонидан масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинаётган бўлса, баъзиларнинг эса ағаллаб турган лавозимларига нолийқликлари,

ташкилотчилигининг етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

«Ўзбекистон Республикасида со-ғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида»ги Республика Президентининг фармони билан худудий тиббиёт бирлаш-масалари тасарруфиди айрим муас-саларда ўзлашни қилиш ақуларни бунга мисол бўла олади. Ҳозирги кунда «Тошкент трактор заводи» оқиқ турдаги хиссадорлик жамияти тиб-биёт-санитария қисми дастур асоси-да ўз-ўзини молиялаштиришга, бос-қичма-босқич пуллик хизматига ўтган бўлсада, бу кўрсаткич 1999 йилда 6 фойза унингга 3,8 фойзага бажарилган ҳолис. Ушбу муассасаларда ўринлар юмшқ жихозлар билан тўлиқ таъ-минланган, дори-дармонлар билан таъминланган, 20 фойзага, давлолаш ва диагностика асбоб-ускуналари билан эса 60 фойзага таъминланган. Ши-фозонада тайёрланаётган озик-овқ-ат турлари жуда ҳам олинаётган ма-ҳсулотлар сифати эса жуда паст. Худ-ди шуларга ўхшаш камчилик ва нуқ-

сонлар 14-болалар касалхонасида кузатилади, охинона ходимлари то-монидан санитария қоидаларига ри-оя қилмаслиги ҳолатлари аниқлан-ди. Муассасанинг фуқароларни пул-лик давлолаш кўрсаткичинини ҳам охи-риги бир ярим йил ичиди уддалай ол-май келаётганлиги маълум бўлди. Қайд этилган камчиликларнинг мав-жудлигига туман худудий тиббиёт би-рлашмаси, молия бўлими раҳбар-лари ҳам бевосита сабабчи экан-ликлари, бу борада улар томони-дан қатъий сизиллик йўл қўйилган-лиги, оқибатда соҳани молиялаш-тириш талаб даражасидан анча па-стлиги Назорат инспекциясининг шу йилнинг 9 июнь кунини бўлиб ўтган мажлисида кўрсатиб ўтилди, уларга масъул ходимларга инсбатан лаво-зимдан овоз қилишгача бўлган каттиқ интизомий чоралар кўриш топширилди.

Шукрат ЮСУПОВ, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари, Назорат инспекцияси раҳбари.

ШАҲРИМИЗ КўЧАЛАРИНИНГ ЯНГИ НОМЛАРИ

Баъзи кўчалар номларини тартибга келтириш ва янги турар жойлар қурилиши муносабати билан ва шаҳар то-понимия комиссиясининг таклифларини инобатга олган ҳолда Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлағов кўйидаги янги кўчаларни номлаш ва баъзиларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида қарор қилди.

Ҳозирги номи	Янги номи	Изоҳ
Бектемир тумани бўйича:		
«Махнунгол» маҳалласи-даги янги кўча	MOTURIDIY ko'chasi	Қадимги йирик шарқ муаддислари-дан бири
Шу жойдаги янги кўча	CHEKSAROY ko'chasi	Қадимги жой ном-ларидан бири
Шу жойдаги янги кўча	QOSYON ko'chasi	Қадимги жой ном-ларидан бири
Шу жойдаги янги кўча	BARDONKOL ko'chasi	Жойнинг тарихий номи
Мирзо Улуғбек тумани бўйича:		
Линейная кўчаси	TEMIROYOL ko'chasi	Темир йўл ёқасида бўлганлиги учун танқили қурувчи
Темур Малик 1 проездеи (такор)	Sobir AZZOV ko'chasi	Академик шаҳарча асосларидан бири
Головин кўчаси	CHOTOOOL ko'chasi	Жой номи миллийлаштириш мақса-дида
Латвия кўчаси	XIRMONTEPA berk ko'chasi	Асосий тилча номи билан уйғунлашти-риш мақсадида
Миробод тумани бўйича:		
Пирмухамедов проездеи (такор)	MIRKAMOLOV ko'chasi	Танқили селекционер олим. Ўзбекистонда ағимат кўрсатган ҳоким
Пирмухамедов берк кўчаси	MIRKAMOLOV ko'chasi	Туташ кўча номлари-ни уйғунлаштириш мақсадида. Жойда Пирмухамедов номи-да бошқа кўча бор
Собир Раҳимов тумани бўйича:		
«Бешкўрган» даҳасидаги номсиз янги кўча	QAYIRMA ko'chasi	Жойдан ўтадиган ариқ номи. Уртадан ўтадиган кўча
Шу жойдаги номсиз туташ кўчалар	QAYIRMA 1-5 ko'chasi	Туташ кўча номла-рини соддалаштириш мақсадида
Шу жойдаги номсиз кўча	RABOT ko'chasi	Обод маъносинда. Халқа йўлига туташ кўча
Шу жойдаги номсиз янги кўча	USTA XOL ko'chasi	Тошкентда яшаб ўт-ган машҳур уймакор уста
Шу жойдаги номсиз янги кўча	QO'RGONBEGI ko'chasi	Қадимги жой номла-рини тиклаш мақ-садида
Шу жойдаги номсиз янги кўча	GOZLABOG ko'chasi	Қадимги жой номла-рини тиклаш мақ-садида
Шу жойдаги номсиз янги бошқа кўча	BEGOYIM ko'chasi	Миллий қадриятла-рини тиклаш мақ-садида
Шу жойдаги номсиз янги кўча	CHIMQOROGON ko'chasi	Жойнинг табиий шар-оитига уйғунлашти-риш мақсадида
Шу номдаги номсиз янги кўча	Maruf AKBAROV ko'chasi	Танқили футбол му-раббийи. Ўзбекист-онда хизмат кўрсат-ган спорт устози
Шу жойдаги номсиз янги кўча	KOSHONA ko'chasi	Қуркам жой маъно-сида
Чилонзор тумани бўйича:		
Усмон Юсупов ма-ҳалласидаги янги кўча	KARVONSAROY ko'chasi	Жойдаги отқорар бо-зорига уйғунлашти-риш мақсадида
Шу жойдаги бошқа кўчалар	KARVONSAROY 1-5 ko'chasi	Туташ кўча номлари-ни уйғунлаштириш мақсадида
Шу жойдаги номсиз берк кўчалар	KARVONSAROY 1-3 berk ko'chasi	Туташ кўча номлари-ни соддалаштириш мақсадида
Филолтова кўчаси	KATTA QOZIROBOT ko'chasi	Жойнинг тарихий номи
Г—52 кўчаси	QO'JUNCHI ko'chasi	Қадимги маданият номларидан бири
«Бўстон» маҳалласида-ги номсиз кўча	POYDON ko'chasi	Жой йўлига туташ бўлганлиги учун
Ҳамза тумани бўйича:		
Линейная кўчаси	TEMIROYOL ko'chasi	Йўл темир ёқасида жойлашганлиги эъ-тиборга олинмоқда
Фаргона йўли 3-кўчаси (такор кўча)	JORA OTA TO'LYEV ko'chasi	Эл хизматига бўлиб, катта обрў орттирган севарлод киши
«Мойкўрган» маҳалласи:		
Янги участкалар қури-лиши муносабати бил-дан пайдо бўлган кўча	NAVQIRON ko'chasi	Жойнинг янгилиги назарда тутилмоқда
Шу жойдаги номсиз янги кўча	MANZUR ko'chasi	Жойнинг номига ўз-бекаса миллий тўс-бериш мақсадида
Шу жойдаги номсиз янги кўча	POLAT HOFIZ ko'chasi	Қадимда яшаб ўтган машҳур ҳофиз
Шу жойдаги номсиз янги кўча	ZARNIGOR ko'chasi	Жойга миллий тўс-бериш мақсадида
Шу жойдаги номсиз янги кўча	KONIGUL ko'chasi	Қадимги жой ном-ларидан
«Янги Тошкент» маҳалласи:		
Маҳалладаги янги ном-сиз кўча	SAGBON DARVOZA ko'chasi	Жойнинг тарихий номи
Шу жойдаги номсиз янги кўчалар	SAGBON DARVOZA 1-2 ko'chasi	Жойнинг тарихий номи
Шу жойдаги номсиз янги кўча	SAGBON QOITEPA ko'chasi	Жойнинг тарихий номи
Шу жойдаги номсиз янги кўчалар	SAGBON QOITEPA 1-4 ko'chasi	Жойнинг тарихий номи
Шайхонтоҳур тумани бўйича:		
Фузўлий тор кўчаси	Abdulhay ABDULVAJEV ko'chasi	«Оқлон» маҳалласи да-ғи кўча. Республи-ка миёвасидаги таъминотчи. Ўзбе-кистонда хизмат кўр-сатган савдо ходими. Жойда бошқа Фузўлий кўчаси бор.
Юнусобод тумани бўйича:		
«Шарқ ҳақиқати» ма-ҳалласидаги янги кўча	TORAQORON ko'chasi	Жойнинг тарихий номи. Ҳасанбой кў-часидан бошланиб Халқа йўлига чиқа-ди
Шу жойдаги номсиз янги берк кўчалар	TORAQORON 1-3 ko'chasi	Туташ кўча номла-рини уйғунлашти-риш мақсадида
Шу жойдаги номсиз янги кўча	AHROBOBOD ko'chasi	Жойнинг тарихий номи. Ҳасанбой кў-часидан бошланиб дала ҳўнлар орқали Халқа йўлига чиқу-вчи кўча
Шу жойдаги номсиз янги кўчалар	AHROBOBOD 1-2 ko'chasi	Туташ кўча номлари-ни уйғунлаштириш мақсадида
«Посира» маҳалласи-номсиз янги кўча	QULLOLA 2 ko'chasi	Туташ кўча номлари-ни уйғунлаштириш мақсадида
Яқкасарой тумани бўйича:		
Кишенёв кўчаси	Abdulhay ABDULVAJEV ko'chasi	Моҳнат Қажрамони. Тошкент вақон-ро-мон заводида 50 йил тоқариб кўнган Кўча номи тартиб-га келтириш мақса-дида
3-Белорусский кўчаси	ENTROM 4 ko'chasi	Жой номи тартиб-га келтириш мақса-дида
Экспром 4-тор кўчаси	ENTROM ko'chasi	

(Давоми. Боши газетанинг 35, 38, 44, 47, 50, 53, 59-сонларида)

